Ушбу сонда:

2 «Ишонч» фош этади
ФИРИБГАРЛАР

3 Совға
ТУМАНДА ЎН МИНГ КИШИЛИК ЎЙИНГОҲ

4 Буюк аждодларимиз
СУЛАЙМОН БОҚИРҒОНИЙ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 12 ноябр, сешанба №178 (1395)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

НУРОТА МАРМАРИ УКРАИНАДА

Украинанинг Днепропетровск шаҳрида «Нуротамармар» корхонасининг шўъба корхонаси иш бошлади.

Мазкур корхона Нуротада ишлаб чиқарилган қора ва оқ рангдаги мармар плиталар, шлакоблок, ғишт ва бошқа қурилиш материаллари савдоси билан шуғулланади. Ҳозиргача Украинага 1,5 минг квадрат метр мармар плиталари экспорт қилинди.

Жаҳондаги машҳур Италия ва Греция мармаридан қолишмайдиган Нурота мармарларига украинларнинг қизиқиши ортмоқда. Харидорлар билан йил охиригача 200 минг АҚШ доллари қийматида мармар плиталар етказиб бериш ҳақида шартнома имзоланди.

Корхона жамоаси Екатеринбург шаҳрида ҳам худди шундай шўъба корхона очишга тайёргарлик кўрмоқда.

Оролбўйидан мактублар

ШУМАНАЙ ТАДБИРКОРЛАРИ

Экологик жиҳатдан мураккаб шароитда яшаётган иродали, эътиқодли кишиларга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Улар республикамиз ҳукуматининг меҳрибончилигини чуқур ҳис этмоқдалар. Қарс икки қўлдан, деганларидек, Оролбўйилик меҳнаткашлар ислоҳотларни изчил амалга ошириб бориб кувончли натижаларни қўлга киритишмоқда.

Шуманай тумани ўзининг 50 йиллигини нишонлади. Табиат қийинчиликларига бас келаётган саҳро баҳодирлари Қорақалпоғистон аграр тармоғини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Туманда бўлганимизда «Оқсунгул» маиший хизмат уйининг фаолияти билан танишдик. Олти йилдирки, корхона хусусийлашган ҳолда иш юритаяпти. Унга олий маълумотли инженер Қурилбой Жомартов раҳбарлик қилмоқда. Аҳолига намунали хизмати ҳисобига фойда кўриб ишлаётган жамоа фахрийлар, ногирон ва етимесирларни ҳомийлигига олган. Шаҳарда яшаётган 10 нафар ёлғиз қарияларга текин хизмат кўрсатилаяпти.

«Деҳқонобод» ширкат хўжалигида жойлашган «Шарофат» фермер хўжалигини одамлар яхши билишади. Деҳқончилик ва чорвачилик сирларини пухта эгаллаган Кенисбой Мамутов илғор фермерлардан. Айни пайтда 83 гектар суғориладиган ва 150 гектар яйлов майдонларига эга. 218 бош қорамолнинг олтмиштаси соғин сигирлар. Бундан ташқари бу ерда пахта, силос учун маккажўхори, беда, сабзавот ва полиз экинлари ҳам етиштирилаяпти.

Икки йил муқаддам банкдан 5 миллион сўм кредит олган фермер хўжалиги ўзининг моддий техника базасини мустаҳкамлаб, ривожланишнинг ойдин йўлидан бормоқда. Ҳайдов ва чопиқ тракторлари, прицеплар, ўт ўриш агрегати сотиб олди. Чорва қишловига пухта ҳозирлик кўрилиб, етарли миқдорда ем-ҳашак жамғарилди.

Давлатбай Қолжонов раҳбарлик қилаётган М.Абдуллаев номли ширкат хўжалиги деҳқонларининг қувончи чексиз. Тонгни далада қарши олаётган азаматлар экин майдонларига об-ҳаёт етиб келганлигидан хурсанд. Айниқса, Женис Худойназаров бошлиқ ижарачилар пахтадан улкан хирмон кўтардилар. Соғиндиқ Сайдуллаевнинг фермер хўжалиги эришган ютуқлар ҳам қувончли.

Бир вақтлар Қўнғирот туманининг «Қора туп» овулида яшайдиган қорақалпоқлар сув тошқини туфайли ҳозирги яшаш жойларига кўчиб ўтдилар ва чўлда «Деҳқонобод» ширкати тузилди. Тажрибали пахтакорлар Тожимурод Отабоев ва Ашурбой Отеулиев асос солган хўжаликдан Феруза Торимуратова, Камол Шомуротов, Ўринбой Ражабов, Сарсенбой Бойжанов, Соҳибжамол Тожиуротова каби миришкорлар етишиб чиқди.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилишида Шуманай туманидаги камчиликлар ҳам танқид қилинган эди. Бундан тўғри хулоса чиқарилиб, кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони кўпайтирилди. 355 нафар юридик мақомга эга тадбиркор ҳаракатда. Улар томонидан 180 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва аҳолига ҳар хил хизматлар кўрсатилди.

Туркиянинг «Умид пластик» компанияси ва «Жамол» фермер хўжалиги билан ҳамкорлиги натижасида «Каплан ЛТД» қўшма корхонаси тузилди. «Бизинтруд Шуманай» масъулияти чекланган жамият цехларида «ПФАФФ-ЗИНГЕР» тикув машиналари ўрнатилиб, 200 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Халқ турмуш фаровонлигини яхшилаш тадбирлари кўрилаяпти. 900 талабага мўлжалланган агросервис коллежи фойдаланишга топширилди. Кўплаб турар-жойлар қурилди. Ичимлик суви ва табиий газ тармоқлари тортилди.

Иқтисодий ислоҳотлар инсон манфаати ва яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган. Аҳолига 200 миллион сўмлик пулли хизмат кўрсатилди. Энг муҳими, фуқаролар тўғрисида ғамхўрлик кучайтирилган.

Туман ижтимоий таъминот бўлимидан маълум қилишларича, 2200 дан зиёд нафақахўрлар тиббий кўрикдан ўтказилди. 350 нафари санаторий ва профилакторийларда даволаниб, соғлиқларини тиклади. Маҳаллий бюджет маблағларидан 56 нафар ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз қарияларга 2,5 миллион, икки ёшгача болалари бор аёлларга 35 миллион, кам даромадли кўп фарзандли оилаларга 81 миллион сўм маблағ ажратилди.

И.ИСОМИДДИНОВ.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси ва Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоларидан иборат гуруҳ Бухоро вилоятида бўлиб, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун ижроси билан танишди.

Гуруҳ уч кун давомида вилоятда нашр қилинаётган газеталар таҳририяти, босмаханалар иши билан танишди, маҳаллий журналистлар билан мулоқотда бўлди.

- Қонун ижроси таҳлили шуни кўрсатдики, «Бухоронома» вилоят газетаси, «Ғиждувон ҳаёти» туман газетаси саҳифаларида ислоҳотлар жараёни бирмунча жонли ва ранг-баранг ёритилмоқда, -деди гуруҳ раҳбари, Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси ўринбосари И.Ғофуров. - Лекин аксарият шаҳар ва туман газеталари таҳририяти матбуотнинг демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдаги таъсирчан кучидан самарали фойдалана олмаяпти. Ютуқларни бўрттириб кўрсатиш, камчиликларни хаспўшлаш каби эски даврга хос баландпарвоз услуб кўпгина нашрларда ҳамон яққол кўзга ташланади. Чуқур билим ва юрак қўри билан ёзилган, ислоҳотлар жараёнини холис ва ҳаққоний очиб берувчи таҳлилий мақолалар етишмайди.

Мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида сўзлаган маърузасидаги тўртинчи устувор йўналишдан келиб чиқадиган вазифалар хусусида атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА).

«Узсаламан» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида 372 нафар ишчи меҳнат қилади. Айни пайтда бу ерда асосан эркак ва аёллар ҳамда болалар пойафзаллари ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилда харидоргир маҳсулотлар хорижга экспорт қилинди.

Суратда: илғор ишчи, ёшлар мураббийси Тожихон Турғунова.

Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

КОНСТИТУЦИЯ СУВЕРЕНИТЕТ ДЕМАКДИР

Давлат, жамият, фуқаролар ҳаётини Бош қонун ва унга асосланиб яратилган қонунларга ҳамоҳанг ташкил этиш йўлига узил-кесил ўтганимизга ўн йил бўлмоқда. Тан олишимиз лозимки, мана шу йўсинда яшаш, ишлаш, фикрлаш ҳаммамиз учун янгиликдир. Нима учун шунақалигини бирма-бир айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Мустамлака, мустабид коммунистик мафкура ҳукмронлиги шароитидаги қонунчилик тўғрисида гапириш, уларнинг ўзаро чиқишиши хусусида баҳс юритишнинг ўзи мантиқсиздир. Зеро ўша тузум манфаатидан келиб чиқиб яратилган қонунлар кимни, нимани ва қандай ҳимоя қилишини тасаввур этиш қийинмас, албатта. Бу гап, аввало «шўролар» бошқарган замондаги кўпдан-кўп «миллий», аниқроғи, сохта «конституциялар»га тегишлидир. Чунки мустамлака жамиятнинг конституцияси бўлмайди. Агар бўлса (худди «шўролар» замонидаги каби), у шу мустамлака халқнинг метрополига қарамлигини қонунлаштириб берган бир сохта ҳужжат бўлади, холос. Ўша кезлари шундай бўлган ҳам. Агар бирон бир миллат ўз хоҳиши билан ўз конституциясини яратса, қабул қилса, амалиётга татбиқ этса, билингки, бу миллат мустақил ва эркиндир. Сабаби маълум: конституция моҳият эътибори билан суверенитет демакдир, давлат суверенитети демакдир.

Илк Конституциямизнинг асосий принциплари ҳам давлат суверенитетини асослаш, таърифлаш, белгилашдан бошлангани ҳам бежиз эмас.

1-модда. Ўзбекистон суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади.

Тарих, давлатчилик, келажак нуқтаи назарларидан ҳамма гап аслида айнан шу моддада айтилган-қўйилган. Ўзбекистон, бу давлат демакдир. Ўз тарихи, макони, маданияти, маънавияти, иқтисоди, қонунлари, урф-одатларига, халқи, хуллас, мазмун ва шак-шамойилига эга сиёсий қурилмадир. Дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, кимнингдир кўзи «Uzbekistan air ways», «Made in Uzbekistan» ёзувларига тушса, у албатта, ҳа, бу самолёт Ўзбекистонники экан, самолёти чиройли экан, зўр экан, ё бўлмаса, бу кўйлак Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган экан, юз фоиз пахта экан, сифати ҳам яхши, деган фикрни ифодалайди. «Uzbekistan»ни у табиий равишда давлат, мамлакат сифатида қабул қилади. Шу маънода мустамлака давримизда «Uzbekistan SSR air ways», «Made in Uz SSR» қабилидаги, ҳатто номига бўлса ҳам, ёзувлар бўлиши мумкин эмасди. Бундан чиқди, мустақил миллатгина ўз давлатига, тамғасига эга бўлади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

2-модда. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Демак, давлат халқ иродасини ифода этади ва унинг манфаатларига хизмат қилади. Бирон-бир партия, шахс, ғоя, ижтимоий табақа, қанақадир «марказ», ўзга давлатнинг эмас. Шунинг учун ҳам у давлатдир, шунинг учун ҳам у халқдир. Акс ҳолда бу давлат эмас, балки бошқа давлатнинг таркибий қисми, халқ эмас, балки бошқа халққа қарам миллат ёки элатдир.

Давлат халқ иродасини ифода этар экан, демак, унинг турли идоралари ва мансабдорлари мантиқан фуқаролар ва улардан иборат жамият олдида масъул бўлади. Чунки бу демократик давлатдир.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки бу давлатдир. Бундай сиёсий қурилма эса ўз маъмурий-ҳудудий, давлат тузилишини белгилашга ҳақли ва шартдир. Ушбу давлатда нечта вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул бўлади, улар қандай ва қай йўсинда ташкил этилади ва тугатилади, давлат ҳокимияти идоралари қандай ва қай тарзда шакллантирилади — буларни мана шу давлатнинг Конституцияси ва қонунлари белгилайди. Бу ишга ташқаридан ҳеч ким аралаша олмайди. Халқ иродаси ва манфаатларига асосланган давлат тизими юритадиган ички ва ташқи сиёсат масаласи ҳам шундай. Акс ҳолда бу давлат бўлмайди. Мустамлака бўлади. Мана бу икки вилоят бирлаштирилсин дейилса, бас, нега дейилмайди. Бирлаштиради. Вақт ўтиб, энди ажратилсин дейилса, бас, кеча нега бирлаштирилсин дейилган эди, дейилмайди. Ажратилади. Пахта олти миллион бўлсин, дейилса, унга ҳам қуллуқ қилинади ва ҳоказо. Чунки қарам, ўз давлати йўқ. Ўз давлати бўлсачи? Унинг чегараси бўлади, ҳудуди эса дахлсиз ва бўлинмас бўлади. Қани унга биров кўз олайтириб кўрсинчи, зуғум қилиб кўрсинчи. Чунки бу ерда давлат бор. Унинг Қуролли Кучлари бор. Ҳарбий доктринаси бор. **Халқ сайлаган, «Ўзбекистон Республикаси суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш... юзасидан зарур чоралар кўрадиган» Президент бор.** Ўз мустақил давлатини ҳар қандай шароитда ҳимоя қилишга тайёр эркин, миллатпарвар фуқаролари бор.

Қаранг, атиги дастлабки уч моддада олам-олам гап бор, мазмун бор, қудрат бор. Энг муҳими, Мустақиллик бор! Шунинг учун ҳам у бизнинг Конституциямиздир. Шунинг учун ҳам биз уни кўз қорачиғидай сақламоғимиз керак. Бу билан биз ўзимизни сақлаган бўламиз. Бунинг учун эса биз унга риоя қилмоғимиз, у билан ҳамнафас яшамоғимиз керак.

Азамат ЗИЁ,
Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитаси раиси.

ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

Халқаро ҳамкорлик Япония агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси республикамиздаги олий ўқув юртлари билан яқин алоқаларни йўлга қўймоқда. Хусусан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига кейинги пайтларда эътибор ортиб бораётир.

Ваколатхона мутахассислари олий ўқув юртларда амалга оширилаётган таълимий жараёнларга катта қизиқиш билдирмоқда. Айниқса, ваколатхона раҳбари жаноб К. Янагисоватнинг маҳсус илмий маърузаси тингловчиларига маъқул бўлди. Мутахассислар тайёрлаш сифатини янада оширишда Япония инвестициясини муносиб ҳиссаси деб номланган мазкур изланишда ўзбек ва япон мутахассислари ҳамкорлиги масаласи кенг ёритилди.

Олий ўқув юртида ўтказилган «илмий технологияларнинг инновация самарадорлиги» халқаро илмий амалий конференцияда у бу ҳақда илмий чиқиш қилди.

Акбар АЛИЕВ.

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳаларга бегараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида ажратилган навбатдаги грантлар бўйича шартномалар имзоланди.

ГРАНТ-ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Умумий қиймати 170 минг АҚШ долларидан ошувчи янги грантлар Самарқанд шаҳри ва вилоятидаги бир неча мактабни ўқув қуроллари ва замонавий техника билан таъминлашга қаратилган. Эътиборли томони шундаки, ушбу жиҳозларнинг барчаси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган.

Ҳужжатларга Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато ҳамда грантга сазовор бўлган мактаблар директорлари имзо чекди.

«СУҒУРТА БИЗНЕСИ» ЎҚУВ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Суғурта тизими молия-кредит соҳасининг ажралмас қисми сифатида иқтисодиётни барқарорлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Суғурта ташкилотларининг умумий маблағи миллий иқтисодиёт захира жамғармасининг ўз-ўзини ривожлантирадиган турларидан биридир. Шу боис тараккий этган мамлакатларда суғурта иқтисодиётнинг етакчи бўғини ва жамиятни ҳимоялашнинг муҳим омили сифатида тан олинган.

Бугунги кунда суғурта сектори мамлакатимизнинг жадал ривожланаётган тармоқлари сирасига киради. Шунга қарамай, суғурта ҳали иқтисодиётни ва аҳолини ҳимоя қилишнинг юқори самарали тизимига айланганича йўқ. Шу боис миллий суғурта бозорини барқарор ривожлантириб бориш, соҳага ҳар томонлама етук мутахассисларни жалб этиш, айниқса, кадрларни замон талаблари даражасида қайта тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. «Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта компанияси томонидан ташкил этилган «Суғурта бизнеси» ўқув маркази ана шу мақсадга хизмат қилади.

Марказда амалий анжуманлар, ахборот ва консультатив семинарлар, сессиялар, тренинглар, давра суҳбатлари, шунингдек, тренинг-маслаҳатчи билан индивидуал машғулотлар ўтказиш кўзда тутилган. Машғулотларга йирик миллий суғурта компаниялари топ-менежерлари, суғурта ҳуқуқи ва аудити соҳасининг етакчи мутахассислари жалб қилинади.

Шу билан бирга суғурта фаолиятининг турли йўналишлари, жумладан, молия бошқаруви, суғуртада менежмент ва маркетинг хусусиятлари, бухгалтерлик ҳисобини такомиллаштириш сингари алоҳида масалалар бўйича махсус модуллар бўйича таълим берилади.

Келгусида марказ фаолиятини янада кенгайтириш, суғурта компанияларининг ўзида суғурта ҳуқуқи, бухгалтерлик ҳисоби, информацион технологиялар, суғурта даъвосини ҳал этишнинг амалиёти йўналишларига доир махсус курслар ҳам ташкил этиш режалаштирилган. Янги марказ суғурта индустриясининг раҳбар ва мутахассисларининг суғурта бизнесига тааллуқли билим ва маҳоратини жаҳон талаблари даражасига етказишдек эзгу мақсадга хизмат қилади.

(ЎзА).

Меҳнат ва рағбат

МАВСУМДА 190 МИНГ СЎМ

даромад қилдим, - дейди Наманган туманидаги «Ғайрат» ширкат хўжалиги пудратчиси Маҳфиратхон Маматхонова

Наманган вилояти деҳқонлари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштиришаётганлиги боис улар марраға тобора яқинлашиб боришмоқда. Вилоятнинг Наманган, Уйчи, Учқўрғон, Чортоқ, Поп, Янгиқўрғон туманлари пахтакорлари аллақачон маррани забт этиб бўлишди. Бунда биринчидан, деҳқонларнинг фидокорона меҳнати ётган бўлса, иккинчидан, «Пахта Банк»нинг Наманган вилояти бошқармасининг ҳам ҳиссаси бор. Чунки йиғим-терим қатнашчиларига бошқарма ходимлари томонидан ўз вақтида нақд пул тарқатилмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг «2002 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини изчил ҳаётга тадбиқ этиш учун барча имкониятларимизни ишга солаяпмиз, - дейди бошқарма бошлиғи Муҳаммадали Ниёзов. — Айни кунларда йиғим-терим қатнашчиларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида хўжаликлар далаларидаги мавжуд ҳосилга қараб табақалаштирилган ҳолда ҳақ тўлашга эътиборни қаратганмиз. Хусусан, қўлда терилган 1 килограмм ўрта толали нав пахта учун ўртача 28 сўмдан тўланмоқда. Теримчилар билан бир қаторда пахта териш машиналарининг механик ҳайдовчилари, пахтани юклаш, тушириш, тайёрлаш, транспортда ташиш, жойлаштириш ва ишлов бериш, техникага хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимлар ҳам ўз вақтида маблағ билан таъминланмоқда. Бу ишни амалга оширишда Марказий банк ва Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармасининг ҳиссаси катта бўлаётир. Чунки улар вилоятда тайёрланган пахтага қараб маблағни ўз вақтида кўчириб бермоқдалар. Бунинг натижасида шу кунгача пахтакорларга олти миллиард сўмга яқин нақд пул тарқатилди.

Наманган туманидаги «Ғайрат» ширкат хўжалиги пахта тозалаш корхонасига 2433 тонна пахта топшириб, режани 104 фоиздан ошириб бажариб қўйганлигига қарамай йиғим-терим қизғин эди.

— «Пахта Банк»нинг туман бўлими ходимларига раҳмат,- дейди пудратчи Маҳфиратхон Маматхонова. — Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳар беш кунда иш ҳақимизни даланинг ўзида олаяпмиз. Шунинг учун иложи борича кўп пахта теришга ҳаракат қилаяпмиз. Мен ўзим шу кунгача 8,5 тонна пахта теришга улгурдим. Даромаддан олинган солиқдан ташқари 190 минг сўм маблағга эга бўлдим. Натижада оилавий иқтисодимни ўнглаб олдим. Ҳамкасбим Ҳамидахон Ражабова ҳам 7600 килограмм пахта териб, 170 минг сўм нақд пул олди.

Вилоятда ишчи гуруҳлари тузилган бўлиб, туманларга бириктирилган банк ходимлари томонидан терим учун тўловлар ўз вақтида ва мақсадга мувофиқ сарфланаётганини устидан доимий назорат олиб борилади. Бундан ташқари бошқарманинг туман бўлимларида теримчилар билан ҳисоб-китобни тўғри ташкил этиш мақсадида штаб тузилган. Бўлимларнинг етакчи мутахассислари ширкат хўжаликларига бириктирилган. Улар пахта йиғимтеримига мақсадли келган маблағларни ўз вақтида хўжалик ҳисоб-китоб варақаларига келиб тушишини таъминлайдилар. Мавсумни ўтказишда вужудга келган муаммоларни ҳал қиладилар.

Бу ерда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳукумат қарори асосида теримчилардан даромад солиғи ушлашда бир қатор имтиёзлар белгиланган. Масалан, теримчиларнинг иш ҳақларидан энг кам миқдорда даромад солиғи олинади. Ҳашарчилардан энг кам иш ҳақининг тўрт баробаригача умуман даромад солиғи олинмайди.

Банк ходимлари йиғим-терим қатнашчиларига хизмат кўрсатиш билан бир қаторда ўзларининг бошқа бурчларини ҳам сидқидилдан бажариб келишмоқда. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун бунга бир неча мисоллар келтирсак.

Бошқармада ўтган тўққиз ой ичида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 565,5 миллион сўм кўп даромад олишга эришилди. Соф фойда 455,2 миллион сўмни ташкил этди. Натижада кичик ва ўрта бизнесга қарз бериш учун 112,3 миллион сўмлик имтиёзли кредитлаш фонди ташкил этилди. Йил бошига нисбатан банк активи 2,2, кредит қўйилмалари 1,6 мартага ошди.

Айниқса, аҳоли бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш бўйича кўплаб ишлар қилинди. Омонатчилар учун зарурий кафолатларни таъминлаш бўйича яхлит стратегия ишлаб чиқилди. Маҳаллий газеталар, вилоят телевидениесида доимий равишда рекламалар уюштирилган. Натижа ёмон бўлмади. Яъни омонатлар миқдори шу йилнинг 1 январига нисбатан 747,8 миллион сўмга ўсди. Биргина «Қариялар қадр қиммати» омонат турига 256,7 миллион сўмлик маблағ жалб қилинди.

Маълумки, нақд пул эмиссиясининг ўсиши инфиляцияни юзага келтиради. Бу эса ўз навбатида миллий валютанинг қадрсизланишига олиб келади. Буни ўз вақтида тушунган бошқарма маъмурияти ўтган давр ичида бир мунча ишларни амалга оширишди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарорларига асосланиб мулкчилик шаклидан қатъий-назар барча хўжалик юритувчи субъектларига касса режаси белгилаб чиқилди. Уларнинг нақд пул тушумларини тўлалигича топширилиши устидан назорат ўрнатилди. Касса режасини бажармаётган хўжалик юритувчи субъектларга тезкор чоралар кўрилди. Пулни инкассация қилиш жараёнида солиқ инспекцияси ходимлари жалб қилинди. Бунинг оқибатида касса режаси 121,1 фоизга адо этилди. Нақд пул эмиссияси 6 фоизга қисқартирилишига эришилди. Бюджет, пенсия, ижтимоий нафақалар ва хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларнинг иш ҳақи тўловлари тўла таъминланди.

Бугунги кунга келиб банк томонидан хизмат кўрсатаётган мижозлар сони 6371 тага етди. Бу — йил бошига нисбатан 1008 тага кўп демакдир. Эътиборлиси, уларнинг асосий қисмини кичик ва ўрта бизнес субъектлари ташкил этади. Шу боис бошқарма ва туманлар бўлимлари ходимлари тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга кредит ажратишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Мисол учун йил бошидан кичик ва ўрта бизнес корхоналарига банк ўз ҳисобидан 980 миллион сўм кредит ажратди. Бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан 142 миллион сўм қарз берилди. Буларнинг ҳисобига 868 та янги иш ўринлари яратилди. Тадбиркорлар томонидан 400 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

БЕШКЕНТДАГИ КОЛЛЕЖДА

ёшлар етти мутахассислик бўйича таълим олишади

Қад ростлаётган ва қайтадан таъмирланаётган мактаб, касб-ҳунар коллежлари шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшаяпти. Яқинда таъмирдан чиқарилган Бешкент қишлоқ касб-ҳунар коллежи шулар жумласидандир.

– Коллеж 750 ўринли бўлиб, бу ерда таъмирлаш ишларини Қашқадарё вилоятидаги 19-деҳқон қурилиш очиқ ҳиссадорлик жамияти қурувчилари амалга оширишди. 200 ўринли ётоқхона, ўқув хоналари архитектуранинг энг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланди. Бунинг учун 600 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланди. Ўқув жиҳозлари учун 150 миллион сўм маблағ ажратилди.

Эндиликда коллежда «Қуйи Бешкент», «Потрон», «Шайдулла», «Хитойкенти», «Кахлак» қишлоқлари ёшлари тўлиқ таълим-тарбия оладилар.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: коллеж ўқувчилари; янги бинонинг умумий кўриниши; қурувчилардан Назар Хосиятов ҳамда Аҳмад Расуловлар.

САВДО СИЁСАТИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги шериклик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги битим /ШҲБ/ иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа кенг кўламли муносабатларни қамраб олади. Ушбу ҳужжат эркинлаштириш жараёнларини тезлаштириш ва Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига киритишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлардан биридир. Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг асосий мақсади Ўзбекистоннинг демократик туб ўзгаришларни мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, савдони ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида уйғун иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳисобланади. Меъёрлар ва қоидаларни, шунингдек, техник андозаларни, маҳсулотлар, ишлар, ҳамда хизматларни бир-бирига уйғунлаштириш Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга ёрдам берадиган йўналишлардан бири саналади.

Тошкентдаги халқаро бизнес марказида EuropeAid дастурининг «Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга оширишга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида ташкил этилган семинарда ана шу ҳақда сўз борди. Унда Европадан ташриф буюрган экспертлар, республикамиз вазирлик ва идоралари мутахассислари, ишбилармон доира ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Савдо сиёсатини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар семинарнинг асосий мавзусига айланди. Хусусан, семинарда экспертларнинг стандартлаш ва сертификатлаш, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, молия тармоғи каби устувор йўналишларнинг жорий аҳволи бўйича таҳлиллари натижалари муҳокама этилди.

(ЎзА).

«Навоийулгуржисавдо» акциядорлик жамияти томонидан қисқа давр ичида вилоятдаги кичик ва ўрта бизнес субъектларига хизмат кўрсатувчи 8 та савдо дўконлари очилди.

ДЎКОН КИЧИК, ЎРТА БИЗНЕС ХИЗМАТИДА

Корхона тадбиркорларга Навоий хом ашё биржасида махсус савдо ярмаркаси ташкил этиш орқали ҳам хизмат кўрсатмоқда. Шу асосда 390 миллион сўмлик маҳсулот ўз эгаларига етказиб берилди. Барча хизмат турлари бўйича 9 ойлик режалар 110 фоизга уддаланди.

– Талаб ва таклифлар эртанги кунимизни белгилайди, - дейди жамият бош директори Ш.Муқимов. – Ҳозирги кунда тадбиркорлар учун Тошкент трактор заводидан 2 тележка, металлопрокат, лакбўёқ материаллари келтириб қўйилган. Шунингдек турли ҳажмдаги мармар плиталари буюртма асосида ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона истеъмолчилар талабини тўлароқ қондиришида Ўзбекистон маиший хизмат савдоси, «Ўзкабелсавдо», «Ёрқиннурсервис» акциядорлик жамиятлари, «Ўзқишлоқмаш», Тошкент трактор заводлари билан қилинаётган яқин ҳамкорлик айниқса қўл келмоқда.

С. ЯРАШЕВ.

«ТАБОБАТ» ЁРДАМ БЕРМОҚДА

«Чуст пахта толаси» акционерлик жамияти қошидаги «Табобат» поликлиникаси корхона ишчи ва хизматчиларига тиббий ва санитария-гигиена хизматларини кўрсатмоқда.

Бу ерда даволашнинг замонавий услуби билан бир қаторда ноанъанавий услублар ҳам қўлланилаётир. «Су-жок» шарқона игна терапия услуби даволашнинг энг самарали услубларидан бирига айланди. Поликлиникада ушбу услуб бўйича асаб тизими, радикулит, уйқусизлик каби касалликлар билан хасталанганлар даволанмоқда. Ошқозон-ичак касалликлари, гипертония, остеохондроз билан оғриганлар УВЧ ва электорофорез ёрдамида замонавий даражада шифо топмоқда.

Шифокорлар завод ишчиларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга касб касалликларининг барча турлари бўйича маслаҳатлар беради, кенг кўламли профилактик ишлар олиб боради ва мунтазам тиббий кўриклар ўтказади.

Вилоятда машҳур бўлган ушбу поликлиникага нафақат завод ишчилари ва чустликлар, балки бошқа кўплаб қўшни туманлардан келган беморлар ҳам мурожаат қилаётир.

(ЎзА).

ФИРИБГАРЛАР

«Ишонч» фош этади

Андижон темир йўл шоҳбекати қаршисида қўш қаватли бино савлат тўкиб турибди. Бу ерда то тонггача чироқ ўчмайди. Мана, эшиклардан хизмат итлари билан яшил либосли йигитлар отилиб чиқдилар. Демак, жанговар топшириқ: қаердадир эл тинчини бузган безори ёки шумниятли кимса пайдо бўлган.

Республика ички ишлар вазирлиги транспорт бошқармаси тармоқ бўлинмаси ҳуқуқбузарликнинг пайини қирқиш, эл-юрт осойишталиги йўлида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Шоҳбекат ҳудудида, темир йўл тармоғида, вилоят марказий аэропортида жамоат оромини ва ҳушёрлик билан қўриқламоқдалар.

Тармоқ бўлинмаси терговчиси А.Жумабоев қўшни Қирғизистоннинг Ўш буюм ва озиқ-овқат бозорига топшириқ билан келганди. Бу ерда саросимада юрган қўрғонтепалик Алишер Усубалиев деган шахсни дарҳол таниди. У илгари жиноий ишлари учун неча бор озодликдан маҳрум қилинган эди.

Алишернинг ҳаракатлари шубҳали туюлди. Таниши Рустамни панага тортиб пичирлаша бошлади. Кейин унинг қўлига пул тутқазди. Рустам ёнидан бир қути «ХОН» узатди. Лейтенант билдики, «қора дори» савдоси кетаяпти. Зудлик билан тармоқ бўлинмаси билан уланиб, қонунбузарликдан огоҳ этди...

Оғуфуруш ниҳоят ўзи истиқомат қилаётган Қўрғонтепа шаҳрига келади. Тўмарис кўча, 18-уйда яшовчи Фозилжон Ҳамроқуловни тузоғига илинтиради. Героинни харидорга топшириш эвазига 100 минг сўмни қуртдек санаб олиб, киссасига жойлаётганда, эшикдан милиция кийимидаги йигитлар кириб келадилар. Булар Андижон темир йўл бекати тармоқ ички ишлар бўлимининг терговчиси А.Жумабоев бошлиқ изқуварлар эди.

У сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлиб айбни харидорга тўнкашга уринди. Бироқ иложи бўлмади. Чунки ашёвий далил билан қўлга олинганди. Бўлинманинг кундалик ишидан бир лавҳа келтирдик. Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг ибратли ишлари кўп. Темир йўл бекатларида ходимларнинг кеча-кундуз навбатчилиги ташкил қилинган. Улар хизмат жойларида жамоат тартибини сақлаш билан бирга, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унинг пайини қирқишда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Яна бир мисол. Андижон марказий жаҳон бозорида қўлида гугурт қутиси билан изғиб юрган Зафарбек Мадаминов катта тезкор вакил Бекшодбек Мадаминовнинг диққатини тортди. Кўзлар-кўзларга тўқнаш келиши билан Зафарбек жуфтакни ростламоқчи бўлди. Аммо милиция майорининг қатъий ҳаракати билан таққа тўхтади. Бўлинмага келтирилиб, унинг ҳужжатлари билан танишилганда, Зафарбек қидирувдаги шахс бўлиб чиқди. Қочоқнинг қўлидаги гугурт қутиси ичидан кукунсимон ёпишқоқ оқ модда чиқди. Ушбу кукунлар вилоят тиббиёт экспертиза бюроси лабораторияси текширувидан ўтказилганда, 0,1 грамм оғирликдаги гиёҳванд модда эканлиги тасдиқланди.

Терговда Зафарбек Андижон туман «Найман» ширкат хўжалигидаги далаларни кезиб ёввойи наша ўсимлигининг баргини териши, қайта ишловдан ўтказиши, ундан заҳри қотил тайёрлаб истеъмол қилиши ва бозорда сотиши аниқланди. З.Мадаминов илгари ҳам Тошкент шаҳар Сирғали туман жиноий ишлар суди томонидан тўрт йилга озодликдан маҳрум қилинганди. Андижон вилоят жиноий ишлар судлов хайъати нашавандниг ноқонуний қилмишларига чек қўйди.

Шахсий таркибнинг тезкор вакиллари Ҳабибулло Парпиев, Аваз Хожиев, Фазлиддин Ғофуровлар одатдагидек Андижон аэропортида жамоат тартибини назорат қилиб турардилар. Йўловчилардан икки киши танишдек кўринди. Устига-устак самолётга катта ҳажмдаги юклар билан чиқаётгандилар. Ходимларнинг зийрак ва топқирлиги иш берди.

Чиптахонадаги йўл чипталари бирма-бир кўздан ўтказилди. Шаҳрихон туман Бекбекча қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳамда Андижон туман Қоратут маҳалласида яшовчи Абдуғофур Кўринов, Ихтиёр Бакировлар гоҳ Фарғона, гоҳ Андижон аэропортларидан Россия Федерацияси шаҳарларига узлуксиз қатнашарди. Шуниси қизиққи, йўловчилар имтиёзли чипталардан фойдаланишмоқда эдилар. Чипталарда уларнинг II гуруҳ ногирони эканлиги қайд этилганди.

Йўловчилар билан ниҳоят юзма-юз келинди. Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деганларидек, йигитлар биринчи савол-жавобдаёқ довдираб, ўзларини йўқотиб қўйдилар.

Суриштиришлар бошланди. Йўловчилар номига берилган ногиронлик гувоҳномаси экспертлар текширувидан ўтказилди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача экан. Таҳлилларда А.Кўринов, И.Бакиров эгалик қилаётган гувоҳномалар қалбакилаштирилганлиги, яъни бировнинг фотосурати ўрнига ўзлариникини ёпиштириб ундан фойдаланганликлари ошкор бўлди.

«Йўловчи»лар устидан суриштириш ишлари бошлаб юборилган. Чунки, улар ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясига 517 минг 191 сўм зиён етказганлар.

Дилмурод САЛОҲИТДИНОВ,
Андижон темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар тергов бўлинмаси бошлиғи, милиция лейтенанти.
Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ТАЪТИЛ

Саволингизга Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг хуқуқий нозири Орифжон ҒАЙНАЗАРОВ жавоб беради

САВОЛ: Хомиладор аёлларга бериладиган қўшимча таътиллар ҳақида маълумот берсангиз.

Боғдагул КОМИЛОВА, Урганч шаҳри.

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 232- моддасида аёлларга туққунга қадар 70 календар кун ва туққандан кейин 56 календар кун (туғиш қийин кечганда ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилганда 70 календар куни) ҳисобидан таътил берилади. Бу вақтлар учун аёлга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади. Нафақа амалдаги Низомга мувофиқ иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида берилади. Меҳнат Кодексининг 150-моддасида ходимларга уларнинг аризасига асосан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкинлиги назарда тутилган. Таътилнинг муддати ходим билан корхона раҳбарининг келишувига биноан белгиланади.

Корхона раҳбари билан ходимларнинг вакиллик органи келишуви асосида тузилган жамоа шартномасида ходимларга турли имтиёзлар белгилаб қўйилиши мумкин. Жумладан, барча ходимларга ёки айрим тоифадаги ходимларга ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин берилади. Мазкур имтиёз Меҳнат Кодексининг 231— моддасида таъкидланган.

Тартибга кўра йиллик меҳнат таътили биринчи иш йили учун ходим 6 ой ишлаганидан кейин, иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун эса таътиллар жадвалига мувофиқ берилади. Лекин аёллар ушбу масалада ҳам имтиёзга эга. Яъни, йиллик меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин берилади. Мазкур имтиёз Меҳнат Кодексининг 231— моддасида таъкидланган.

Саволингизга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими бош мутахассиси Муқаддамхон ҒОФУРОВА жавоб беради

САВОЛ: имтиёзли рецептлар бўйича дори-дармон воситалари беморларнинг кайси тоифаларига берилади?

Жаббор ҚУРБОНОВ, Хазорасп тумани .

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14-январдаги 19-сонли «Дори–дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг 6-бандига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сон қарорида кўрсатилган тартиби сақлаб қолинган. Ушбу қарорнинг 4 иловасида амбулатория шароитида даволанишда бепул дори-дармон берилиши назарда тутилган баъзи шахслар ҳамда касалликларнинг тури рўйхати кўрсатилган:

1. Онкология касаллиги;
2. Сил касаллиги;
3. Мохов (лепра) касаллиги;
4. Эндокрин касаллиги;
5. Руҳий касалликлар;
6. ОИТС (СПИД).касаллиги;
7. Ясама юрак клапанларини ва баданнинг бошқа сунъий аъзолари қуйилиши билан боғлиқ операциялар ўтказилгандан сўнг;
8. Бегоналарнинг ёрдамига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерлар;
9. 1941-1945- йиллар даврида-ги меҳнат фронти қатнашчилари;
10. 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари, ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
11. Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини тугатиш даврида ногирон бўлиб қолган шахслар;
12. Байналмилалчилар;
13. Ҳарбий хизматни ядро полигони ва бошқа радиацион-ядро объектларида ўтаган пенсионерлар (Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 май 188-сон Қарорига асосан).

Тежалгани нақд бойлик

ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ЎРНАТИЛГАЧ...

Навоий вилоятида шу кунгача 100 мингдан ортиқ хонадон газлаштирилган бўлиб, қишлоқ жойларда бу кўрсаткич 83,4 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, 42 та саноат, 1403 та маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига «зангори олов» етказиб берилмоқда.

«Навоийгазтаъминоти» шўъба корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди. Илгари газ тақсимлагич асбобларига сервис хизмати кўрсатиш қўшни вилоят марказларида амалга оширилган бўлса, эндиликда корхонада ишлай бошлаган янги цех бу вазифани бажара бошлади. Бу ерда нафақат таъмирлаш, балки давлат стандарти кўригидан ўтказиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 96,6 километр масофага газ қувурлари тортилди. Навбаҳор туманининг «Метан», «Дулдул» қишлоқлари аҳолисига режада белгиланган газ етказиб берилмади. «Навоийгазтаъминоти» корхонаси ишчи-хизматчилари бу масъулиятли вазифани ўз зиммаларига олиб, қисқа фурсат ичида қайта таъмирлаш ишларини амалга оширишди. Газ қувурлари ва газ тақсимлаш ускуналари қиш мавсумига тўлиқ шайлаб қўйилди. Режадаги 6,6 километр яроқсиз газ қувурларини алмаштириш ишлари ошириб бажарилди. 1574 дона газ тақсимлаш қурилмаларини жорий созлаш ишлари амалга оширилди.

Хонадонларда газ ўлчагич ускуналари ўрнатиш намунали ташкил этилаётгани беминнат ёқилғидан оқилона фойдаланиш имконини бермоқда. Ўтган йилнинг тўққиз ойида худди шу йўл билан 4174 минг куб-метр табиий газ тежалди. Жорий йилда хонадонларга газ ўлчагич ускуналари режадаги 10750 ўрнига 11357 дона ўрнатилганининг ўзиёқ, бу борадаги ишлар нечоғлик жадал олиб борилаётганидан далолат бермоқда.

Корхонанинг маҳалла йиғинлари ва ширкат хўжаликлари билан ҳамкорлиги тобора яхшиланиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида корхона томонидан ойлик тушум режасини ошириб бажарган маҳалла йиғинлари ҳисоб рақамига 520 минг сўм ўтказиб берилди. Бу мукофот пули маҳалла йиғинлари қарорига асосан камтаъминланган оилаларни бепул газ билан таъминлаш, газ тақсимлагичлар сотиб олишга сарфланмоқда.

Вилоятдаги табиий газ етиб бориши имкони бўлмаган туманлар, айниқса, олис қишлоқ ва овуллар аҳолисига суюлтирилган газ етказиб берилмоқда. Истеъмолчилар жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 759 тонна суюлтирилган газ олдилар. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 416 тонна кўпдир. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан ишчи-хизматчиларни иқтисодий-ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Меҳнаткашларга ойлик маошларини ўз вақтида бериш билан бирга шу давр ичида 4 миллион сўмдан зиёд мукофот пуллари ҳам тўланди. Уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 700 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Техника хавфсизлиги тадбирлари ишловчиларни махсус кийим-бош билан таъминлаш учун 3 миллион 690 минг сўм сарфланди. Жамоада спорт-соғломлаштириш ва оммавий тадбирлар учун ҳам маблағ ажратилди. Вилоят ташкилот ва корхоналари раҳбар ходимлари ўртасида ўтказилган «Адолат» мусобақасида газчилар учинчи ўрин билан кифояланишган бўлса, бадиий, маданий ва маънавий йўналишлар бўйича республика кўрик танловида «Энг уюшган гуруҳ» номини олишга муваффақ бўлишди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.



Бекобод туманидаги «Далварзин» пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида 460 нафар ишчи меҳнат қилади. Корхона тумандаги 9 та ширкат ҳамда 200 дан ортиқ фермер хўжаликларидан шартнома асосида 24 минг тонна пахта хом ашёсини қабул қилиб қайта ишлайди. Айни пайтда маҳсулот чет эл мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Суратда: ўз касбининг устаси Расулжон Сирожиддинов ишчилар билан галдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда.

СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Япония ҳукуматининг техникавий ҳамкорлик дастури доирасида Ўзбекистон-Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази томонидан ташкил этилган «Профессионал менежмент» дастури курси битирувчиларининг иккинчи гуруҳига сертификатлар топширилди.

Ушбу курс бир неча йилдан буён Япония элчихонаси ҳамда мамлакатимиз олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Тингловчилар танлов асосида олий маълумотли, инглиз тилини яхши биладиган ҳамда қизиқарли бизнес ғояларига эга номзодлар орасидан танлаб олинади. Бу гал 22 нафар тингловчи 20 ҳафта мобайнида маърузалар тинглаб, амалий машғулотлар ўтказди.

Тадбирда сўзга чиққан Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато ушбу курсда тингловчилар, асосан, кунчиқар мамлакатдан келган профессорлар ҳамда етакчи экспертлар билан бирга машғулотлар олиб борганини таъкидлади. Улар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқарув тизимини Япониядаги корхона ва ташкилотлар тажрибаси асосида ўрганди.

(ЎзА).

Совға

ТУМАНДА ЎН МИНГ КИШИЛИК ЎЙИНГОҲ

Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасида Қўшкўпир туманида бир мунча ишлар амалга оширилаяпти.

Туман ҳокимлиги, касаба уюшмалари ва барча мутасадди ташкилотлар мавжуд вазиятдан келиб чиқиб тегишли чора-тадбирларни белгиладилар. Жойларда тузилган жамоа шартномаларига ўзгартиришлар киритилди.

Ҳукумат ва вилоят ҳокимининг қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида аниқ дастур ишлаб чиқилди. Жумладан, туман аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида кўп сув истеъмол қилувчи тармоқ ва корхоналарда навбатли сув таъминоти ташкил этилиб, бу соҳада қаттиқ назорат ўрнатилди.

Аҳоли яшаш жойларидаги ичимлик сув манбалари қўшимча қувватлар ва насослар билан мустаҳкамланди. «Халқаро тикланиш ва тараққиёт» банки маблағлари ҳисобига 260 та қўл насослари ўрнатилиб, 107 та тош қудуқлари барпо этилди.

Қишлоқ экинларини сув билан таъминлаш учун туман ҳудудидан оқиб ўтувчи коллекторларга насослар ўрнатилиб ишга туширилди.

Сув танқислиги туфайли кўрилган зарарни қоплаш мақсадида деҳқон, фермер хўжаликлари ер солиғидан озод қилиндилар ва олдин берилган кредитларнинг тўлов муддатлари бир йилга узайтирилиб, қўшимча кредитлар ажратилди. Кам таъминланган кўп болали оилаларнинг фарзандларидан 180 нафари Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда бепул соғлиқларини тиклаб қайтдилар.

Бундан ташқари туманда аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. Кўп болали оналардан 180 нафари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Фарғона водийсидаги санаторийларда даволандилар.

Ижтимоий таъминот бўлими томонидан 89 нафар уруш фахрийлари Тошкент вилоятидаги Товоқсой, Фарғона вилоятидаги «Чимён» санаторийларида бепул йўлланмалар билан соғлиқларини тикладилар.

Касаба уюшмалари йўлланмалари билан вилоятда жойлашган санаторий-профилакторийларда 78 нафар, марказий санаторийларда 21 нафар онахон имтиёзли йўлланма билан даволанди.

Ижтимоий муҳофаза асосий диққат-эътиборда турибди. Сув тақчиллиги оқибатида зарар кўрган ҳудудларда яшовчи кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари пенсионерларга қўшимча равишда энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ёрдам пуллари берилди.

Туманда 10 минг кишилик ўйингоҳ, янги бозор, «Бахт уйи», дорихона ва «Оталар чойхонаси» ишга туширилди. Янги маданият ва истироҳат боғига асос солинди. Чала битган маданият саройи биноси қайта лойиҳаланиб, педагогика коллежига айлантирилди. Эски автовокзал биносида «Ёшлар маркази» очилди.

Иззат ҲИКМАТОВ, Болтабой ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбирлари.

САЛОМАТЛИК ВА МАТБУОТ

Репродуктив саломатлик - инсоннинг насл қолдиришига тегишли бўлган ақлий, жисмоний ва ижтимоий етуклигидир. Фарзанд кўриш арафасидаги аёлларнинг ўз вақтида тиббий назоратдан ўтиши, туғруқдан кейин она ва бола парвариши билан боғлиқ хизматлардан етарлича фойдаланиши ва маслаҳат олиши ҳам ушбу соҳани ўз ичига олади. Репродуктив саломатлик хизмати кўрсатишнинг барча босқичларида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, айниқса, аҳоли тиббий саводхонлигини юксалтиришга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Республика репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш ўқув-услубий марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган семинарда ҳам ана шулар хусусида гап борди.

Ўтган йилларда мамлакатимизда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида талай ишлар амалга оширилди. Натижада оилавий ажримлар сони камайди, туғиш ёшидаги аёлларнинг аксарияти тиббий кўрикдан ўтказилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш янада кучайтирилди. Амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

(ЎзА).

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ЛОЙИҲА ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ҳавфсизлик Кенгашининг Ироқ масаласига доир янги лойиҳа резолюцияси жаҳон оммавий ахборот воситалари томонидан алоҳида эътибор билан тилга олина бошланди. Дастлаб, БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўз фикрини баён қилиб, янги лойиҳа резолюциясига юқори баҳо берди. Эндиликда қўйидаги ҳолат вужудга келди: 18 ноябрдан бошлаб БМТ инспекторлари Ироққа келиши ва текширув ишларини адо этишга киришишлари лозим. Улар мазкур мамлакатда ядровий, кимёвий ёҳуд биологик қурол бор-йўқлигига аниқ жавоб беришлари керак. Улар кенг ваколатларга эга бўлиб, ҳатто президент Саддам Ҳусайиннинг қароргоҳлари, шахсий саройларини ҳам текширишлари мумкин.

ХАЙРЛИ ТАДБИР

Чеченистон жангарилари олиб бораётган ноқонуний ҳарбий ҳатти-ҳаракатлар туфайли халқ тобора қийналмоқда. Совуқ кунларнинг яқинлашаётганлиги муносабати билан мазкур ҳолатлар янада мушкуллашиши мумкин. Шу вазиятни эътиборга олиб, БМТнинг озиқ-овқат билан ёрдам бериш ташкилоти Чеченистон халқига 34 минг тоннадан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари юборишга қарор қилди. Ушбу инсонпарварлик ёрдами янги йил арафасида Чеченистонга қайтиши мумкин бўлган 25 минг қочоқларнинг ҳам аҳволини енгиллаштириши турган гап.

«МАКДОНАЛЬДС» СИНМОҚДА

Маълумки, «Макдональдс» компанияси жаҳонга машҳур ассоциация ҳисобланади. Унинг деярли барча қитъаларда шоҳобчалари мавжуд. Лекин халқаро иқтисодиётнинг айрим сабабларга кўра сусайиб бораётганлиги ёҳуд турли мамлакатларда пайдо бўлаётган касалликлар «Макдональдс» компаниясини кескин чоралар кўришга мажбур этмоқда. Оқибатда унинг ўзга давлатлардаги минглаб нуқталари ёпилиши кутилмоқда. Натижада компания 475 миллион доллар миқдорида зарар кўради.

МАКТАБ ЎҚҚА ТУТИЛДИ

Кейинги пайтларда Афғонистоннинг айрим ҳудудларида халқ ҳаёти яна бузула бошлади. Бунга узоқ минтақаларда жон сақлаб қолган «толибон»-чилар ҳамда Ҳамид Карзай ҳукуматининг амалга ошираётган янги тадбирларига қарши чиқаётган террорчилар ҳуружлари сабаб бўлмоқда. Хусусан, яқинда ана шундай экстремистик кучлар томонидан мамлакат шимолидаги тўрт мактаб ўққа тутилди. У ерда фақат қизларгина таҳсил олар эдилар. Жумладан, Мозори Шарифдаги минг нафар қизлар ўқийдиган мактаб ана шундай тажовузга учради. Мактабда дарс берадиган муаллималар ҳамда бу ерда яқинда иш бошлаган хотин-қизлар қўмитаси аҳволни яхшилаш учун турли чора - тадбирларни амалга ошира бошладилар.

БОЛАЛАР НОРОЗИ

Кейинги кунларда Жанубий Америка қитъасидаги қатор мамлакатларда сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий ҳаёт бир қадар издан чиқа бошлади. Бунга муҳолифатда бўлган кучларнинг ҳукумат қарорларига қарши чиқишлари сабаб бўлмоқда. Жумладан, Аргентинада сиёсий вазият унчалик яхши эмас. Куни кеча мамлакат пойтахти Буэнос-Айрес шаҳрида болаларнинг ҳукуматга қарши катта намойиши бўлиб ўтди. Бу билан болалар ҳукуматдан ўз ҳаётларига жиддийроқ эътибор берилишини талаб қилдилар.

МИЛАНДА УШЛАНДИЛАР

Яқинда Италиянинг Милан шаҳрида аввал беш нафар, кейинроқ эса уч нафар гумондор шахслар қамоққа олинди. Дастлабки, текширувларда уларнинг машъум «Ал-Қоида» террорчи ташкилоти билан алоқалари борлиги аниқланди. Қўлга тушганларнинг деярли ҳаммаси Шимолий Африкадан келган фуқаролар бўлиб чиқди.



Бахтли болалик

С.ШАВКАТОВ олган сурат.

ШАХС, ШАХСИЯТ, ШЕЪРИЯТ

Деҳли шаҳридаги Ҳиндистон-Ўзбекистон дўстлик жамияти раҳбари, доктор Қамар Раиснинг «Заҳириддин Муҳаммад Бобур: шахс, шахсият ва шеърият» китоби урду тилида нашрдан чиқди. Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказида ушбу китобнинг тақдимот маросими бўлди.

- Бобур салтанати замонида Ҳиндистон тарихида янги, юксалиш даври бошланган, - дейди китоб муаллифи. - Бобур ва унинг авлодлари Ҳиндистонда беқиёс бунёдкорлик ишларини амалга оширган. Уларнинг энг юксак хизматларидан бири шундаки, бу сулола вакиллари Ҳиндистонни бирлаштириб, ягона давлат барпо этган. Мазкур китобда эса Бобурнинг шеърият соҳасидаги буюк хизматларини очиб беришга ҳаракат қилинди.

Китобда шоир ғазал ва рубоийларидан таржималар келтирилган.

(ЎзА).

ЧАПАҚАЙ ЗАРБА... НОКАУТ

Бокс

Профессионал бокснинг WBA йўналиши бўйича чемпионлик «камари» учун рейтинг баҳсларида 66 кг вазнда иштирок этаётган ҳамюртимиз Фарҳод Бакиров навбатдаги ғалабага эришди.

Филиппинлик Рой Паллонига қарши жангда Фарҳод рақибини 3-раундда ёқ нокаутга учратди. Асосан чап қўли билан ҳал қилувчи зарбалар берадиган боксчимиз бу сафар ҳам ўз услубига содиқ қолди.

Шуниси қувонарлики, Фарҳод шу кунгача «профи» рингида 17 та жанг ўтказиб, унинг 16 тасини ғалаба билан якунлади. Шундан 13 та жангда у рақибини нокаут ҳолатига тушириб қўйган. Машҳур мураббий Алексей Дин қўл остида шуғулланаётган Фарҳод Бакировнинг бу ғалабаси билан WBA йўналишида чемпионлик «камари» сари яна бир дадил қадам ташлади.

А.ЮНУСОВ.

БУ ҚАДИМИЙ ТИЛЛАР

Ер курраси аҳолисининг учдан икки қисми 13 хил тилдан фойдаланади. Булар улуғ тил ҳисобланиб,ҳар бирида эллик миллиондан зиёд одам гаплашади. Швейцариянинг Граубюнден вилояти марказида 6 хил тилда гаплашадилар. Буерда мактаблар учун шунча хил дарсликлар чиқарилади. Вилоятда немис, италиян,рето–роман тилларини она тили деб билишади. Испан тили Испания, Марказий ва Жанубий Америкадаги (Бразилия, Гаитидан) бошқа барча давлатларнинг давлат тили ҳисобланади. Бу тил Филиппин оролларига ҳам тарқалган Испан тили ҳинд-европа тиллари оиласининг роман тиллари гуруҳига киради. Швейцариянинг ғарбий вилоятларида французча, кўпчилик вилоятларида немисча сўзлашадилар. Ҳиндистонда 500 чамасида турли хил шевалар мавжуд.

Акбар АЛИЕВ.

«ДЎСТЛИК» КЛУБИДА

Ўтган дам олиш кунлари МҲСК спорт мажмуида таэквондонинг ВТФ йўналиши бўйича «Дўстлик-2002» очиқ турнири бўлиб ўтди. Биринчи марта ташкил этилган бу мусобақада мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган 8 ёшдан 16 ёшгача бўлган беш юзга яқин ўғил-қиз ўз вазни тоифасида ғолиблик учун курашди.

- Мусобақани ташкил этишдан мақсад бугунги кунда фаолият кўрсатаётган таэквондо усталарига муносиб ўринбосарлар тайёрлаш, ёшларимизни жаҳон, қитъа биринчиликлари ва олимпиада ўйинлари каби нуфузли мусобақаларда юртимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қиладиган спортчилар сифатида тарбиялашдир, - деди «Дўстлик» таэквондо клуби мураббийси Ҳабиб Мусаев ЎзА мухбирига.- Таэквондо ВТФ йўналиши олимпия спорт тури саналади. Шундай экан, бугун МҲСК спорт мажмуида курашган болакайлардан эртага жаҳон ва олимпиада чемпионлари етишиб чиқишига ишонса бўлади. Бу мусобақалар муносиб ўринбосарлар вояга етаётганидан далолат беради.

(ЎзА).

Сир эмас, футболда «келишилган ўйинлар» деган ибора ҳам бор. Буни мухлислар яхши билишади, бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида ҳам кўп ёзилган. Мутасаддилар «миллионлар ўйини»ни беобрў қилувчи бу иллатга муросасиз ўт очганлари ҳам маълум.

Футбол

МУРОСАСИЗ ЎЙИН

нафақат мухлисларни, мутахассисларни ҳам ҳаяжонга солмоқда

Лекин, донишмандлар айтмоқчи, энг яхши муаллим, бу ҳаётнинг ўзи. Зарурат бўлмаса ҳеч ким ҳеч нарсага қўл урмайди, ақл-ҳушини йўқотган одамгина ўзи ўтирган шохга арра тортиши мумкин. Мамлакат чемпионатида ҳам ҳозир шундай вазият юзага келди – ҳеч бир жамоа бошқасига очко туҳфа этадиган ҳолатда эмас. Айниқса, 27-турда бу яққол кўзга ташланди.

«Сўғдиёна»–«Трактор», «Насаф»–«Андижон», «Зарафшон»–«Машъал». Яхшики, «Нефтчи»–«Пахтакор» ўртасидаги учрашувнинг бошқа кунга қолдирилгани. Қани энди мулоҳаза юритиб кўринг-а: ким кимга ёрдам қиламан, деб кўзи учиб турибди? Ҳаммага ҳам очко керак, ҳамма ҳам ғалаба қозонишни истайди – турнир жадвали шуни тақозо этаётир!

Мана ёрқин мисол. Жиззахдаги учрашув олдидан майдон эгалари 12-, меҳмонлар эса 15-ўринда бораётган эди. Муросасиз кечган матчдан сўнг аҳвол тубдан ўзгарди. «Трактор» хавфли зонани тарк этган бўлса, «Сўғдиёна» учун мавсумнинг қолган баҳслари бош оғриғига айланди. Ҳусниддин Мирҳамидов, Акмал Рисқуллаев, Илҳом Мўминжонов томонидан киритилган тўплар ва 2:3 ҳисобидаги мағлубият жиззахлик футболчиларнинг ёдидан анчагача кўтарилмаса керак.

Яна бир аутсайдер «Қўқон-1912» клуби ушбу турда муҳим ғалабани қўлга киритди. «Навбаҳор» билан кечган ўйинда майдон эгалари томонидан киритилган бир тўп уч очко келтирди. «Зарафшон» ўз майдонида «Машъал» жамоасига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйди. Бухоро футболчилари самарқандлик қўшнилари қаршилигини енга олмаган бўлсалар (0:0), «Насаф» ўз майдонида «Андижон» билан учрашиб биринчи даврадаги аламини олди. 2:0 ҳисоби қаршиликларни яна турнир жадвалининг учинчи поғонасига олиб чиқди. «Дўстлик»–«Металлург» ўртасидаги баҳсда ҳам шундай натижа қайд этилди.

Навбатдаги тур янада қизиқарли тус олиши кутилмоқда. «Насаф» жамоаси «Металлург» билан баҳсда ким аслида ким эканлигини аниқлаб олса, «Пахтакор» эса ўз майдонида «Самарқанд-Динамо» билан куч синашади. Эҳтимол, биз ниҳоят 2002 йил чемпионини олқишлашга муяссар бўлармиз.

Турнир жадвали

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	**25**	**22**	**2**	**1**	**77-12**	**68**
2. «Нефтчи»	**27**	**19**	**3**	**5**	**68-29**	**60**
3. «Насаф»	**27**	**18**	**3**	**6**	**57-29**	**57**
4. «Қизилқум»	26	17	4	5	62-28	55
5. «Металлург»	27	12	6	9	36-34	42
6. «Навбаҳор»	27	12	4	11	45-36	40
7. «Бухоро»	27	12	4	11	34-46	40
8. «Дўстлик»	27	11	2	14	33-38	35
9. «Самарқанд-Д»	27	9	4	14	24-39	31
10. «Андижон»	27	8	5	14	34-53	29
11. «Сурхон»	27	8	3	16	32-48	27
12. «Машъал»	26	7	5	14	30-51	26
13. «Трактор»	27	7	5	15	32-56	26
14. «Қўқон-1912»	27	8	2	17	27-53	26
15. «Зарафшон»	**27**	**7**	**4**	**16**	**34-48**	**25**
16. «Сўғдиёна»	**27**	**7**	**4**	**16**	**27-50**	**25**

Кеча «Сурхон» ўз майдонида «Қизилқум» жамоасини қабул қилди.

Буюк аждодларимиз

Сулаймон Боқирғоний «Ҳаким ота», «Қул Сулаймон», «Ҳаким Сулаймон» тахаллуслари билан ижод қилган. Унинг «Боқирғон китоби», «Биби Марям китоби», «Меърожнома» каби асарлари бизгача етиб келган.

СУЛАЙМОН БОҚИРҒОНИЙ

комил инсон муаммолари ҳақида

Сулаймон Боқирғонийнинг 1186 йилда вафот этиб, 95 йил умр кўрганлиги ҳақидаги маълумотга таянган ҳолда тахминан 1091 йилда Хоразмнинг қадимги Оппоқ қўрғон, кейинчалик Боқирғон номи билан аталган кентида туғилган дейишимиз мумкин. Сулаймон Боқирғоний талабалик йилларидаёқ илмга, Қуръонга ва устозига юксак муҳаббат билан қараган. Ҳаким ота маноқибида келтирилишича, Сулаймон Боқирғоний мадрасага Қуръонни эъзозлаб икки қўли билан кўтариб олиб борар, мадрасадан қайтишда эса мадрасага орқасини ўгирмасдан қайтар экан. Пири Туркистон Хожа Аҳмад Яссавий шогирдидаги бундай садоқат ва самимиятни кўриб, уни ўз тарбиясига олган. Устозидан олган илмини, ҳакимона истеъдодини баҳолаб, Хизр алайҳиссалом «Мунинг оти Ҳаким Сулаймон бўлсин», деб унга илтифот қилади.

Ҳаким ота камолга эришгандан кейин ҳикматлар ёзиш билан бир қаторда одамларни ҳидоят йўлига солиш учун пири ижозати билан Туркистондан Хоразм юртига кетади. Тарихий манбаалардан маълумки, Хоразм хони Буғрахон Ҳаким отанинг карокатларидан, авлиёлигидан воқиф бўлгач унга мурид бўлиб, қизи Анбар онани никоҳлаб беради.

Қуйликнинг «Насабнома»сида келтирилишича, Ҳаким отанинг беш минг муриди бўлган экан. Сулаймон Боқирғоний муридларини тарбиялаш билан бирга тасаввуф, илоҳий ишқ, маърифат ва маънавият ҳақида ҳикматлар ёзади. Ҳазрат Яссавийга издош шоирлар унга ҳам издошлик қилган. Ҳикматларидан таъсирланиб шеърлар битган баъзи шоирлар Ҳаким отани ўзига маънавий устоз деб билган. Жумладан, Шамсиддин Ҳаким ота ҳақидаги ҳикматида шундай дейди:

Шамсий шикаста гоҳи йиғлаб айтур илоҳий,
Солғайму бир нигоҳи Ҳаким Хожа Сулаймон.

Сулаймон Боқирғоний ўз ҳикматларида ишқ ва унинг изтироблари, аҳлоқ-одоб, комил инсон муаммолари каби масалаларни таҳлил қилади ва уларга орифона муносабат билдиради. Ишқда самимий, содиқ бўлиш билан «нафси аммора»ни ислоҳ қилиш йўлларини кўрсатиб ўтади:

Қачон бўлғай-висолинг, жамолингни кўрсам ман,
Мансур янглиғ бўлубон, дорда мажлис қурсам ман.
Назар текса ул замон, очилур чечак минг алвон
Фарах қилур бунда жон, жондан кечиб ўлсам ман,
Жондан кечмай иш битмас, нафси амморатима,
Кўруг даъви суд этмас, ёлғон кўнгил берсам ман.

Сулаймон Боқирғоний устози Хожа Аҳмад Яссавий каби нафс ва руҳнинг хусусиятлари, қарама-қарши жиҳатларини тазод, ташбех, талмих каби санъатлар воситасида очиб беради.

Шоирнинг мақсади ҳар бир кишини огоҳликка, ҳушёрликка чақиришдир. Моддий неъматлар қаршисида маънавий диёнатни унутмаслик шоир ҳикматларининг бош ғоясидир....

Умринг ўтти йўқ ҳосил, нега ётурсан ғофил,
Агар мардсан бўл ҳозир, саҳар вақти бўлғонда.

Ҳаким ота ҳикматлари соф имон, эътиқод ва илоҳий тафаккурни ўстириш, маънавий тафаккурни шакллантиришдаги аҳамияти билан ҳар бир даврда ўзига хос из қолдирган. Биз буни татар халқ оғзаки ижоди намуналари, шунингдек, Юнус Эмро ва Маҳтумқули ижоди мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, рус олими К. Залемен Ҳаким отанинг Европа адабиёти томонидан эътироф этилганлиги ҳақида маълумот беради.

Абдурауф Фитрат эса Хожа Аҳмад Яссавий қатори Ҳаким отанинг ҳикматлари ҳам қиссахонлар давраларида, тўй-ҳашамларда, масжид-мадрасаларда ўқилганлигини алоҳида таъкидлаган.

Собиқ шўролар даврида Ҳаким ота ижодига диний мистик адабиёт сифатида қаралган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унинг ижодини ўрганишга кенг йўл очилди. Шунинг натижаси ўлароқ 1991 йил Иброҳим Ҳаққулов ва Сайфиддин Рафиддиновлар томонидан «Боқирғон китоби» нашр этилиб, мақолалари эълон қилинди.

Салбий маънодаги турли диний оқимлар моддий илмаклар орқали ёшлар ҳаётига таъсир қилаётган бир даврда ҳамма нарсанинг яратувчиси Оллоҳ эканлигини ҳакимона ҳикматлар орқали англаш, ёшлар орасида маънавиятнинг устунлигини намойиш этиш, уларда мустақил фикрлаш, яшаш масъулиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Усмон ЎТКИР,
Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти аспиранти.



«ТУРОН» ҒОЛИБЛАРИ

Навоий шаҳрида «Турон» яккакураши бўйича 1985-1986 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари якунланди. Икки кун давом этган беллашувларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 180 нафар ёш полвон 21 жамоа таркибида куч синашди.

Мусобақа муросасиз курашларга бой бўлди. Қашқадарёлик З.Сатторова, В.Тирковова, Д.Тўрақулова, Ш.Тиловова, Тошкент шаҳридан Р.Жўраев, фарғоналик У.Турсунмуродов, хоразмлик Н.Авезов, М.Панаев, самарқандлик А.Ҳакимов ўз вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади.

(ЎзА).

НОЁБ ИСТЕЪДОД

Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмасининг аъзолари бўлган 800 нафардан зиёд тасвир усталари турли миллат вакиллари саналади. Улар орасида моҳир ҳайкалтарош ва мусаввир Роберт Авакян ижоди алоҳида эҳтиромму эътирофга сазовордир.

1965 йили республикамизга муқим яшаш учун келган рассом илк сабоқларни ўз юрти Осетияда ва кейинроқ Ленинградда олган эса-да, ўзбеклар диёрида камол топди. Меҳнатлари қадрланиб, Давлат мукофотига сазовор бўлди. Айни кунларда Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида санъаткор хотирасига бағишланган кўргазмада унинг элликка яқин ҳайкалтарошлик ва рассомлик ишларидан намуналар намойиш этилмоқда. Айтиш жоизки, ихчам рангтасвир ва графика асарлари ўзига хос «саёҳатнома»дир. Жумладан, «Сўқоқ», «Бухоро», «Самарқанд», «Хива», «Шоҳи Зинда», «Шердор мадрасаси» асарларида республикамизнинг сўлим табиати, қадимий жойлари маҳорат билан мўйқаламга олинган бўлса, Рассомни, айниқса, Қора денгиз ўзига мафтун этади. «Гурзуф», «Айиқ тоғи» манзара асарлари ўта ҳаётийлиги билан томошабинларни ўзига жалб этади.

Аслида ҳайкалтарошлик учун ҳам моҳир рассом бўлиш керак.- Бу нарса Р.Авакян ижодида яққол кўзга ташланади. Бинобарин,ҳайкалларда унинг «Италия», «Рига», «Исакович бош черкови», «Новгород ибодатхонаси» ҳамда «Пешер монастри» Қрим ва Болтиқбўйи таассуротларидан сўзлайди. нечоғлик билим эгаси бўлганлиги, фикран тиниқлиги, фалсафий бойлиги, бир сўз билан айтганда, бор истеъдоди намоён бўлган. Зотан, меҳнаткашлик, саховат, инсон ва табиатнинг бир бутунлиги тараннум этилади. Она табиат деганда ижодкорнинг ўйлаган фикри, ғояси, илгари сурмоқчи бўлган мушоҳадаси она қиёфасида, аёллар тимсолида кўрсатилади. Бунга «Сирдарё» , «Ҳосилдорлик», «Она Ер», «Ёз» каби асарлари гувоҳлик беради.

Аёл, она мавзуси ҳайкалтарош ижодида алоҳида туркумни ташкил этади. Бу «Она ва бола», «Кетаётган болалик аёл», «Тоғ аёли», «Оила» асарларда яққол кўринади. Яна бир муҳим жиҳат шуки, санъаткор асарларида муҳаббатни, меҳрни улуғлайди. Бу ҳам алоҳида туркумга бирлашади. Ёғочда, тошда, куйдирилган лойда жонланган тасвирлар орасида «Севишганлар», «Севишганлар суҳбати» ва «Муҳаббат» деб номланган ҳайкалларда икки қалб талпинишлари, ошуфта кўнгиллар муҳаббати мадҳ этилади.

Дарвоқе, гранит тошлардан яратилган «Балиқ», «Автопортрет», бронзада акс эттирилган «Кино париси», шунингдек, «Ҳайкалтарош», «Чўпон» асарлари ҳам унинг юксак иқтидорли ҳайкалтарош эканлигидан дарак беради. Туркман шоири Маҳтумқули қиёфаси эса киши эътиборини тезда ўзига жалб этади. Дард-алам, ноҳақликлар билан ёниб-ўртаниб яшаган шоир изтиробда ўзи ёзган китобига юзини қўйиб, бошини эгган ҳолда драматик кўринишда тасвирланган.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
санъатшунос.

Хотира кўргазмаси

Тошкент шаҳар, Бектемир туманидаги ООО «ХРСУ—Қурилиш» корхонаси тугатилади. (ОКПО—15219141) Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида 195-45-40 рақамли телефон орқали **қабул қилинади.**

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раис ўринбосари М.Петросянцга падари бузруквори **СУРЕН ГРИГОРЬЕВИЧ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилоят металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмита раиси Бахтиёр Аҳмедовга акаси **СУҲРОБ АҲМЕДОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширди - 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9161 Буюртма Г— 1019. 123456